

Oila va jamiyat

@ollavajamiyatgazetasi_bot

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликни олдини олиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида қатор ислохотларга замин яратди.

TUTINGAN OTA-ONALAR ENDI O'QITILADI!

Айни кунларда нафақат юртимиз, бутун дунё оммавий ахборот воситалари Хитойда тарқалган коронавируснинг келиб чиқиш сабаби ва омиллари ҳақида бонг ураётганлиги кўпчиликни хавотирга солмоқда. Юртимизда ҳам кўплаб корхона, ташкилотлар, таълим муассасаларида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётгани ва бундай вазиятда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. ●5

Koronavirus kimgadir kulfat, kimgadir

manfaatmi?



KUNIMIZ OSUDA, TUNIMIZ SOKIN bu damlarning qadriga yetaylik



Бизга қўшни мамлакат Афғонистон UNICEF ҳисоботида туғилиш учун энг ёмон мамлакат деб таърифланди. Уруш туфайли мамлакатдаги болалар аҳволи жудаям ночор. 2009 – 2019 йиллар оралиғида 6463 нафар бола ўлдирилган, 14 957 нафар бола эса жароҳатланган. Шу йиллар давомида 162 та мактаб яроқсиз ҳолатга келган, мактаб ёшидаги болаларнинг тенг ярми таълим олишдан маҳрум. 2 миллион афғон боласи тўйиб овқатланмайди, улардан 600 000 га яқини очликнинг энг хавфли босқичида. ●8

“XALQ DARDINI JOYLADIM DILGA”

Ассалому алайкум, устоз! Аҳволингиз яхшими? Сизга хат ёзганман-у нурли сиймоингиз, қуйма сатрларингиз ҳали ҳам кўз олдимда. Аввало, китобга ошуфта бир қалб сизнинг асарларингизни кечикиб ўқиётгани учун айб этмангиз. Бир куни универси-

(Shukrulloning “Kafansiz ko‘milganlar”ini o‘qib...)

тетда гуруҳ раҳбарим “Кафансиз кўмилганлар”ни ўқинг, дея маслаҳат бердилар.

Китобингизни зўр иштиёқ, кучли ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Мутлаа давомида ачиниш, нафрат, алам каби туйғуларга дуч келдим.

Қалбим ўртаңди... Ўтмишга назар солишга, уни тан олишга қаттиқ оғриндим. Тўғри, қатағон даври ҳақидаги асарларни биринчи бор ўқиётганим йўқ, у машъум дамлар борасида маълум фикрларга эгаман. Бироқ, сизнинг

асарингизни ўқиб, ҳақиқий азоб нималигини, йўқотиш, жабр-зулм қандай бўлишини, кўз олдингда ҳақиқатни мажруҳ аҳволга келтиришса, кўнглингдан қандай ҳислар ўтиши мумкинлигини англадим. Қилмаган гуноҳ учун жавоб бериш нима эканлигини ушбу сўзларингиз айтиб турибди: ●6



KUNLIK ISHCHILAR MARKAZI OCHILDI

Хабарингиз бор, ўтган йили Хотин-қизлар кўмитаси пойтахтимиздаги мардикор аёллар билан бир неча бор учрашиб, муаммоларни чуқур ўрганган ва ушбу аёлларнинг меҳнатини тартибга солишнинг замонавий усулларини қўллаш ташаббусини илгари сурган эди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва Тошкент шаҳар Яшнобод туманида аёллар учун янги қурилган кунлик ишчилар маркази очилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова: «Биз шуни тушундикки, бир марталик меҳнат билан оиласини боқадиган фуқароларимиз, айниқса аёлларимиз жуда кўп.

Пойтахтга ишлайман, бола боқаман деб келган аёлларни ўз ҳудудига қайтариб юбориш амалиёти энди эскирди ва бу аслида нотўғри ёндашув ҳам эди. Энди иш излаб келган аёллар аввалгидек автобусларга ўтказилиб, яна келган жойларига юборилмайди.

Биз Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг жуда

ҳам аниқ, тўғри ёндашуви ва муаммога оқилона ечими натижасида ҳамкорликда мана шундай шароитларни яратишга эришдик», – деди.

Марказда аёлларимиз учун арзонлаштирилган овқатланиш шохбачаси, асбоб ускуналарни ижарага бериш тизими, меҳнат муҳофазаси ҳақида тушунча берувчи кўргазмали кўроллар, маданий ҳордик чиқариш учун имкониятлар (кутубхона, шахмат-шашка тахталари) бор.

Хориж тажрибасини ўрганиб, марказда вақтинчалик иш билан таъминлашда аутсорсинг ва аутстаффинг хизматлари йўлга қўйилган. Бу ерда фуқароларга 10 дан ортки хизматлар кўрсатилади.

Эндиликда жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳри ва вилоятда шу каби яна 6 та замонавий кунлик ишчилар маркази очилиши кўзда тутилган.

AYOL HUQUQI POYMOL BO'LMASIN

Ижтимоий тармоқда Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида истиқомат қилувчи Холбиби Донаеванинг уйи тортиб олинишига норозилик билдирган видеоси тарқалди. Икки фарзанди билан кўчада қолишдан кўрққан аёл кўлига болта кўтарган ҳолда давлатимиз раҳбаридан ёрдам сўраган.

Бу жараёнга Сурхондарё вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати оидинлик киритди:

“Ишчи гуруҳ аъзоларининг 2020 йил 8 февраль куни Сариосиё тумани, “Гулбод” маҳалласи, “Чорбоғ” қишлоғига ташрифидан кўзланган мақсад 7-контурдаги 1.20 гектар сувли ер майдонида қурилган бино-иншоотларнинг қонунийлигини аниқлаш, шунингдек, деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун ажратилган ер майдонларидан фуқароларнинг ўзбошимчалик билан қурган ва кейинчалик бузиб олган қурилишлари қолдиқларини даладан чиқартириш бўлган.


Шунга кўра, фуқаро Донаева Холбиби томонидан мазкур манзилда 15,75 кв. м ҳажмда 1 хонали турар жой ва 4,00 кв.м ҳожатхона иморатлари қурилган бўлиб, Сариосиё туман ҳокимининг 28.09.2019 йилдаги 6065-сонли қарори билан Донаева Холбиби Эграшевнинг мазкур турар жойга эгаллик ва мулк ҳуқуқи эътироф этилган”.

Аҳоли билан учрашган туман ҳокими улар қурган уй-жой сувли ҳудуд бўлгани боис, бу ерда экин экилишини айтган.

Ер эса, аҳолининг аукционда сотиб олган манзили эмаслиги тушунтирилган. Холбиби Донаеванинг уйи ҳам бузилиши, қурилиш моллари айтилган манзилга етказиб берилишига ваъда берилган. Аммо аёл ўз уйини ташлаб кетмаслигини таъкидламоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳуқуқшуноси ва мутахассислари аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини атрофлича ўрганди, ҳужжатлар билан танишди. Қолаверса, кўмита вакили аёл билан суҳбатлашгани борди. Аёл уйи бузилишини истамайди ва барчаси ҳаққоний қарор топишини хоҳлайди. Вазият чигал, видео-мурожаатда ҳокимлик ва аҳоли ўртасидаги тушунмовчиликларни ҳам яққол кўриш мумкин.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки,



Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси матбуот хизмати ходимлари Холбиби Донаева билан телефон орқали мулоқот қилди. Аёл ёлғиз она бўлганлиги, икки нафар фарзанди билан кўчада қолишни истамаганини ҳамда бошпанасини ташлаб кетмаслигини таъкидлади.

Қолаверса, вилоят мутасадди ходимларига ишонмаслигини ва бу ишни Республика миқёсида кўриб чиқилишини сўради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси бу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига расмий хат юборди. Вазият юзасидан ўзгаришларни ҳавола қилиб борамиз.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Матбуот хизмати

“SHODLIK” DAN BAXT TOPISHMOQDA

Тошкент шаҳар 2-сон “Шодлик” никоҳ уйига ўтган йили оила қуриш истагида ариза топширганлар сони 2061 тани ташкил этган бўлса, қайд этилган никоҳ шартномалари 1990 тадан ошди. Таъкидлаш керакки, бу даргоҳда 34 та МДХ давлатлари ва 11 та бошқа хориж фуқароларининг никоҳи ҳам қонунда белгиланганидек қайд этилган.

Мазкур никоҳ уйи қошида фаолият юритаётган “Бўлажак келин-куёвлар инновацион мактаби”да оила қуриш оstonасида турган ҳар бир йигит ва кизга ҳаётини ҳамда оилавий сабоқ бериб келинмоқда.

– Юзага келаётган оилавий ажримларнинг асосий сабабларидан бири ёшларнинг турмуш қуришга тайёр эмаслиги боис, Республика “Оила” илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон



Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида 2019 йилнинг биринчи чорагида юртимиз ҳудудларида жами 73 та “Бўлажак келин-куёвлар инновацион мактаби” ташкил этилди, – дейди “Шодлик” никоҳ

уйи мудираси Саида Газиева. – Ушбу мактабларда 2864 жуфтлик (5718 нафар) ёш никоҳланувчилар оилавий ҳаёт сабоқлари бўйича ўқитилди. Уларнинг аксарияти турмуш қуришди ва “Оила” маркази уларнинг янги ҳаёт йўлидаги

илк қадамларида доимо кўмакдош ва маслаҳатдош бўлиб келяпти.

Таҳлиллар ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, ажрашишга 51 фоиз ҳолатда эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилиги, 19 фоиз ҳолатда учинчи шахснинг ноўрин аралашуви, 7 фоизига бефарзандлик, 6 фоизига ичкиликбозлик ва бошқа зарарли одатлар замин яратмоқда.

Бу рақамларнинг барчаси ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини янги босқичга кўтаришни талаб этади.

Аммо оиланинг устунлари бўлган эрак ва аёлнинг ҳар қандай шароитда ва вазиятда бир-бирини тушуниб, ақл билан иш кўриши оила мустаҳкамлигининг кафолатидир. Оилавий муаммоларни ҳал қилишда эраклар доимо аёли билан юзма-юз ва рўйи-рост сўзлашишдан қочмасалар айни муддао бўларди. Шунингдек, аёлларимиз ҳам битта гапдан қолиб, турли гап-сўзга учмасдан, эри билан ҳамфикр бўлишга, умрйўлдошининг айбларини кечиришга ҳаракат қилишлари лозим. Шунда оиладан бахт, саодат ҳамда фаровонлик аримайди.

**Азиза МУСТАФӨЕВА,
Тошкент шаҳар 2-сон
“Шодлик” никоҳ уйи
1-тоифали инспектори.**

TUTINGAN OTA-ONALAR ENDI O'QITILADI!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликни олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимида қатор ислохотларга замин яратди. Жумладан, шу қарор асосида 2019 йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар бир вилоятдаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари йўлга қўйилмоқда. Хўш, курсларни ташкил қилишдан мақсад нима? Кимлар унда таълим олишлари мумкин? Бу борада тақиқлар ҳам борми? Мавзу юзасидан бошқа саволларга жавоб олиш учун бир қатор соҳа мутахассисларига юзландик.

ОТА-ОНАЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ МАҚСАД НИМА?

Сухроб ХОЛИҚОВ,

Халқ таълими вазирлиги Болаларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари;

– Халқаро амалиётда кенг жорий этилган “Тутинган ота-оналарни тайёрлаш” курслари эндиликда Ўзбекистонда ҳам фаолият олиб бормоқда. Юртимизда ҳам шунга ўхшаш тизимнинг йўлга қўйилиши қувонарли, албатта. Бу тизим болани васийлик ёки ҳомийликка, фарзандликка, оилага тарбия (патронат)га олувчи, оилавий болалар уйини ташкил этиш истагини билдирган фуқароларимизни етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага ҳамхўридан кўрсатишга профессионал даражада тайёрлаш учун хизмат қилади. Ҳозир биз бу борада илк қадамларни қўймоқдамиз. Олдимизда қилинадиган ишлар кўп. Курслар сифатли ва мазмунли ташкил этилиши учун албатта салоҳиятли мураббийларни шакллантириш муҳим. Шу сабабли бирмунча вақт давомида ушбу курсларда фақатгина етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болани оиласига тарбия (патронат)га олиш истагини билдирган шахслар ҳамда оилавий болалар уйини очмоқчи бўлган шахсларгина ўқитилади. Бу талаб ҳозирча мана шу жойлаштириш шаклига тааллуқли. Кейинчалик курслар фаолияти такомиллашиб бориши баробарида фарзандликка олувчи шахслар, васий ёки ҳомийликка номзодлар ҳам ушбу курсларда таҳсил олиши зарур бўлади.

Бундай курсларни ташкил этишдан мақсад тутинган ота-оналарнинг болалар психологияси ва педагогикаси соҳасидаги билим ва амалий кўникмаларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш; тутинган ота-оналарнинг болани оилага қабул қилишга тайёрлик даражасини аниқлаш, болани оилага қабул қилиш шаклини танлашга ёрдам бериш, шунингдек, болани тарбиялаш ва ривожланиши билан шугулланиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган муаммо ва қийинчиликларни англашга кўмаклашишдан иборат.

Курслар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун оилага тарбия (патронат)га ёки оилавий болалар уйига қабул қилувчи тутинган ота-оналар учун мўлжалланган бўлиб, машғулотларни ўз касбининг етук мутахассислари олиб боради, улар бўлғуси тутинган ота-оналарга ўзларининг бола тарбияси ва парваришига оид ҳуқуқий, психологик-педагогик ва тиббий билимларини оширишларига ёрдам кўрсатадилар. Ушбу курсларда тутинган ота-оналар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган

болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш ва соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоийлашуви, таълими ҳамда ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шароитларни яратиш билан боғлиқ ота-оналик салоҳиятини шакллантирадилар.

КУРСДА ҲИМОЯ

ОЛМАЙДИГАНЛАР ҲАМ БОР ЎЛМАСБЕК КАМОЛОВ,

Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси;

– Тутинган ота-оналарни тайёрлаш курсида ўқимокчи бўлганлар даставвал худудларидаги васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат қилгач, улар йўлланма асосида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари директори номига ариза билан мурожаат қилади. Ариза уч иш кунига кўриб чиқилади ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

Тайёрлов курсларининг фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари,



Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва давлат тарбия муассасаси – меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбарияти томонидан мувофиқлаштирилади.

Курслар оила ва болаларга хизматлар кўрсатувчи бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар, жисмоний шахслар томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Тайёрлов курсларининг фаолияти васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан назорат қилинади. Бироқ барча ота-оналар бирдек курс тингловчисига бўла олмайди. Курсларда қуйидаги тоифадаги кишиларнинг ўқиши мана этилади:

*суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

*суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;

*қонун билан зиммасига юкланган мажбуриятларни лозим даражада ба-



жармагани учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

*мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаганлиги ёки уларни лозим даражада бажармаганлиги, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилганлиги, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлганлиги, сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар;

*аввал қасддан қилинган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахслар;

*соғлиғи туфайли бола тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиغان шахслар ушбу курсларда ўқий олмайди.

Шуни ҳам билиб олиш керакки, 2020 йил 1 январдан бошлаб номзод тутинган ота-оналар тайёрлов курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжати мавжуд бўлган фуқаролар орасидан танланади.

МАШГУЛОТЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА ҲИМОЯ

Дилноза Хусанова,

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази бош мутахассиси;

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган мазкур қарорга биноан курс тингловчилари 72 соатлик ўқув дастури бўйича ишдан ажралмаган ҳолда бепул ўқитилади. Машғулотлар вақти тингловчиларнинг ўзаро розилиғи ва муассаса раҳбарияти билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ўқув жараёни 5 нафардан 22 кишигача бўлган академик гуруҳларда маъруза, семинар, амалий ва кўчма машғулот, тажриба алмашиш тарзида олиб борилади. Дарсларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар, ўқитувчи ва етим болани тарбиялаш билан боғлиқ ижобий тажрибага эга бўлган тутинган ота-оналар жалб қилиниши мумкин. Бу мутахассислар курс тингловчиларини бола ҳаёти фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ психологик, педагогик, ҳуқуқий, заруриятда тиббий билимларни етказиб бера олиш салоҳиятига эга бўлиши лозим. Шу

жиҳатдан ушбу давлат тарбия муассасаларининг ижтимоий-психологик-педагогик кўмаклашув хизмати ходимлари ҳам курсларни олиб бориши мумкин бўлган мураббийлар сифатида ҳам жалб қилиниши мумкин. Албатта, бунда улардан катта ёшдаги аудиторияга фикр ва мулоҳазаларини етказиб бера олиш, педагогик маҳоратга эга бўлиши талаб қилинади.

Тингловчиларнинг давоми ва ўзлаштиришини қайд этадиган гуруҳ журнали юритилади. Узрли сабаблар билан ўқишни давом эттира олмайдиغان ота-оналар ўз аризасига асосан, узрли сабаблар туфайли 30 соатдан кўпроқ машғулотларда қатнашмаганлар эса муассаса директори буйруғи билан тингловчилар сафидан чиқарилади.

Ўқиш тугагандан кейин махсус шакллантириладиган комиссия суҳбат ўтказиши, унинг натижаларига кўра тингловчиларга 3 йил муддатга сертификат берилади. Агар фуқаролар 3 йил давомида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилмаса, сертификат ўз кучини йўқотади. Ҳужжатнинг амал қилиши муддати тугагандан сўнг курсдан қайта ўтиш лозим бўлади.

БОЛА КУЗАТУВ ВА НАЗОРАТСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Гулнора Ишанханова, Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази бўлим бошлиги.

– Бола оилага берилгандан кейин ҳам соҳа мутахассислари томонидан тутинган ота-оналарни кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш ишлари амалга оширилади. Бунинг учун бола оилага берилгач, дастлабки уч ой давомида бир маротаба, сўнг ҳар йили камидан икки маротаба тутинган ота-оналарнинг ҳонадонига ташриф буюрган ҳолда амалга оширилади.

Тутинган ота-оналар томонидан ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга зид равишда амалга оширилаётган тақдирда ёхуд унинг ҳаракатлари боланинг соғлиғи, жисмоний, психологик, ахлоқий ривожланишига жиддий зарар етказиб бўлса, шунингдек, назоратли текширув мобайнида аниқланган камчиликларни болани оиладан ажратиб олмай ҳал қилиб бўлмаслиғи маълум бўлганда, васийлик ва ҳомийлик органи текширув ўтказилгандан сўнг уч кун ичида болани бошқа тутинган ота-оналарга бериш ёки етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради. Зеро, боланинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий ҳавф мавжуд бўлган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси билан ўрнатилган тартибда болани зудлик билан тутинган оиладан олишга ҳақли.

Қамола АҲМЕДОВА тайёрлади


MEHR BILAN BAJARILGAN ISHNING

Пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган сўлим Ургут тумани таниқли ижодкорлари, санъаткор, уста хунармандлари, қўли гул чеварларию заҳматкаш деҳқонлари, ишбилармон тадбиркорлари билан маълуму машҳур. Бу заминдаги хунармандчиликнинг нақшинкор намуналари бўлмиш кашталар уй-рўзгор беағи бўлибгина қолмай, миллий қадриятларимизнинг тимсолидир. Ургутлик Гулноза Хўжамуронова ана шундай миллий қадриятларимизни кашталарида акс эттираётган ижодкорлардан.

У каштадўзликни онаси Гулнора Пирназаровадан кунт билан ўрганиб, кейинчалик ўзи ҳам мустақил равишда турли кашталар тикди. Бошлагани ишини доим охирига етказмай қўймайдиган бу қиз онаси билан бу соҳани уй юмуши, аёллар эрмагидан амалий санъат ва касб даражасига олиб чиқди. Қахрамонимиз хозирда кўплаб шогирдлар тайёрлаган, ишбилармон, қўли гул, бир сўз билан айтганда, Ургутнинг машҳур каштачи аёлларидан бири сифатида тилга олинади. Унинг уйига борсангиз, ҳар бири ўзгача жилланган йигирма турдан ортиқ ижод намуналарига кўзингиз тушади. Кашта гули туширилган сумкалардан тортиб, келинлик, қўвлик тўнлари, мавсумбоп кийимлар сизни сехри оламга чорлайди. Яқинлари орасида "моҳир каштачи" деб ном олган Гулноза катта матога ўзи чизган нақшинкор композицияни тикиб чиқиш учун кўп вақт ва меҳнат сарфлайди. Унинг ишларида нақш билан бирга табиат ва атроф олам уйғунлашиб кетади.

– Эсимни таниганимдан буён кашта тикаман, – дейди Гулноза хунарига бўлган қизиқлиги ҳақида жўшиб сўзларкан. – Асосан, кўлда ва бигизда ишлаймиш. Аввало, рангларга катта эътибор қаратиш лозим, чунки ҳар қанча яхши тикманг, рангини тўғри танлай олмасангиз, махсулотингиз бир қарашда ўзига тортмаслиги, харидоргир бўлмаслиги мумкин. Кўпроқ анор, пивё пўстлоқлари, ёнғоқ пўчоғи, барги, ўсмалардан унумли фойдаланамиз. Уларнинг қайнатмасидан ранглар тайёрлаймиш.

Қахрамонимизнинг айтишича, каштадан тикилган сўзана, жойпўшлар ёш келинчаларнинг уйини беағи туради.



sifati yaxshi, xaridori ko'p bo'ladi

Ўша уйда туғилиб, улғайган фарзанднинг онги ҳам миллий қадриятларга хурмат, садоқат руҳида шаклланди, меҳнаткаш бўлишни, хунарни севишни ўрганади.

– Қишлоғимизда қиз боланинг кашта тикишни билмаслиги уят ҳисобланади, – дейди Гулнозанинг қайнонаси Малика Сатторова. – Ҳар бир оилада каштачилик сирларини яхши биладиган онахонлар бўлса-да, кўпчилик қизини келиним ташкил этган тўғаракка олиб келишга ҳаракат қилади. Негаки, у бир неча нуфузли кўргазма ва танловларда иштирок этган, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона, Нурота, Пискент каби машҳур каштачилик мактаблари тажрибасини пухта ўрганган. Ўзим ҳам уйда шароит қилиб берганман.

– Эсимни таниганимдан буён кашта тикаман, – дейди Гулноза хунарига бўлган қизиқлиги ҳақида жўшиб сўзларкан. – Асосан, кўлда ва бигизда ишлаймиш. Аввало, рангларга катта эътибор қаратиш лозим, чунки ҳар қанча яхши тикманг, рангини тўғри танлай олмасангиз, махсулотингиз бир қарашда ўзига тортмаслиги, харидоргир бўлмаслиги мумкин. Кўпроқ анор, пивё пўстлоқлари, ёнғоқ пўчоғи, барги, ўсмалардан унумли фойдаланамиз.

Гулноза Хўжамуронова тўғарагидан 30 нафардан ортиқ моҳир каштачи қиз-жувонлар етишиб чиққан. Мамлакатимизда яратилаётган шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, бугун у оилавий корхонасини ташкил қилиб, маҳалладаги бекор ўтирган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлади. Ўзи тикаётган каштага замонавий руҳ бағишлаб, уларда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини акс эттиришга ҳаракат қилмоқда.

– Кашта тикишнинг ҳам маълум босқичлари, мураккабликлари бўлади, – дейди қахрамонимиз. – Энди иш бошлаган қизларга аввалига содда, ихчам ишлар топшираман. Уларнинг зехли, шижоатли, сабр-тоқатлилари мураккаб жа-

раёнларни ҳам тезда ўзлаштириб олишади. Эринчоқлик, бетоқатлик қилиб вақтни орта сурадиганлари ҳам топилади. Бу соҳа ҳам худди спортга ўхшайди. Яъни бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган ақидага амал қилинмаса иш тўхтаб, мижозларни йўқотиб қўйишимиз мумкин. Чунки айна дамда буюртмачиларимиз жуда кўпайган. Биз уларга белгиланган вақтда сифатли махсулотларни етказиб беришимиз зарур.

Юртимизда ҳам, хорижда ҳам, ургутлик аёллар тиккан кашталарга қизиқувчилар, буюртма берувчилар кўپайиб бормоқда.

– Ҳар сафар миллий санъатимизни чет элликларга кўрсатиб бера олганимдан гурурланиб кетаман. Дастурхон, белбоғ, бойишпўш, ойнахалта, чойхалта, манглай-қош ва бошқа буюмларга нақш солар эканман, тасвирларда миллийлигимизни, бой тарихимизни, эзгулик, тинчлик, дўстлик, муҳаббат, янгиланиш мавзуларини акс эттиришга ҳаракат қиламан. Меҳр билан қилинган ишнинг сифати ҳам яхши, харидори ҳам кўп бўлади, – дейди Гулноза.

Дарвоқе, қахрамонимиз тиккан камзул, нимча, дастурхон, чойнақпўш, чойшабларга ҳам бугун қизиқиш жуда юқори. Яъни, улар кўриниши, сифати билан бошқа вилоятларда, баъзи хориж давлатларида ҳам харидоргир бўлмоқда.

– Мақтаниш эмасу ишимиз игна билан қудуқ қазишга тенг, – дейди Гулнозанинг шогирди Афсона Уроқова. – Битта ёстиқпўшга кашта гули тикиш учун икки-уч кун вақт, қанча кўз нури кетади. Ўшанда ҳам асаб мустаҳкам, сабр-тоқатли бўлиш керак. Шунда тикилган нарса кутилганидан ҳам аъло чиқади. Уларга қараб эса чарчоқ унутилади. Каштачилик – сермашаққат хунар. Кунт, сабр-тоқат, идрок, билим, зийраклик, қатъият, нозик дид, эпчил қўл, маҳорат, теран мушоҳада – буларнинг барчаси жанжирдек бирлашсагина, чинакам халқ амалий санъати намунаси яратилади.

Қўли гул чевар хонадонига бугун ўзбек халқи амалий санъати шайдолари бўлган сайёҳларни чорлаб, қишлоғини вилоятдаги туризм масканларидан бирига айлантиришда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу боисдан, бу даргоҳдан хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмади. Хорижлик меҳмонлар эсдалик учун Гулнозанинг каштачилик намуналаридан ўзлари билан олиб кетишади.

Чарос ДЎСМАТОВА

Феврал ойининг биринчи ва иккинчи ҳафтасида буюк

бобокалонларимиз – шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудин юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Кенг жамоатчилик, университетлар, ўқув даргоҳлари, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам буюк бобокалонларимиз ҳаёт йўли яна бир бор эсланди, ғазал ва рубойилари ёддан ўқилди.

Худди ана шундай тадбир Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 16-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Эътиборлиси, буюк боболарининг ғазал ва рубойиларидан намуналарни бу гал бошланғич синф ўқувчилари, яъни 3 "В"-

синфида таҳсил олаётган болажонлар ёддан ўқиди, дostonларидан саҳна кўринишлари ижро этишди.

– Зеро, буюк аждодларимизга эҳтиром болаликдан қалбга жо бўлгани маъқул, – дейди ушбу синф раҳбари, ўттиз йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаётган Ҳайитгул Отамуронова. – Бугун мактабга намойиш этилган ушбу тадбирга тайёргарлик жараёнида синфдаги барча ўқувчи иштирок этди. Буюк боболаримизнинг ҳаёт йўли, ҳар бир ғазали ва рубойийси барча учун улкан ибрат мактабидир.

– Навоий ва Бобур боболаримизнинг ғазал ва рубойиларини ёдлашни хуш кўраман, синф раҳбаримиз бошчилигида ташкил этилган ушбу шеърят кечасига "Тановар" қўшиғини тайёрладим – дейди 3-синф ўқувчиси Покиза Мелибоева.

Ўз мухбиримиз

Buyuk ajdodlarga ehtirom



KORONAVIRUS KIMGADIR KULFAT,

KIMGADIR MANFAATMI?

Айни кунларда нафақат юртимиз, бутун дунё оммавий ахборот воситалари Хитойда тарқалган коронавируснинг келиб чиқиш сабаби ва омили ҳақида бонг ураётганлиги кўпчилики хавотирга солмоқда. Юртимизда ҳам кўплаб корхона, ташкилотлар, таълим муассасаларида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётгани ва бундай вазиятда ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқлиги мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Жаҳоннинг таниқли мутахассис олимлари тез орада бу иллатнинг олдини олиш учун бирор чора ўйлаб топишга уринаётган бир пайтда бизникилар вирусдан ҳимояланиш учун тақилдиган оддий ниқобни ҳам 2 баравар қимматга пуллаш билан банд. Баъзида ўйлаб қолсан киши. Бу вирус тарқалиб хитойликларга қулфат келтираётган бўлса, айни вазиятдан фойдаланиб қолаётган ноинсофлар учун даромад манбаи бўляпти. Вирус тарқалган куннинг эртасигаёқ ниқобларнинг асосий оширилган нархда сотилиши ҳам анча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Куннинг долзарб мавзусига айланган ниқоб савдоси республикамизнинг барча туман, шаҳарларида 1000 сўмдан 5000 сўмгача сотилаётгани кенг жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлганлиги боис, мутасадди ташкилотлар томонидан ижтимоий тармоқларда огоҳлантиришлар берилди. Хўш, бундан тadbиркорлар тегишли хулоса чиқаряптими? Айни пайтда дорихона ҳамда дуконлардаги аҳволни билиш мақсадида Сергели туманидаги сотувчиларни суҳбатга тортидик.

Сергели-2 мавзеси 17-уйнинг 1-қаватида жойлашган хусусий дорихонада ниқоб сотилаётган экан.

—Вирус тарқалмасдан олдин бу матоҳни бир фирмандан 350 сўмдан олиб 500-700 сўмгача сотардик, — дейди Аваз исмли дорихона фармацевти. — Кеча ўша фирмандан келадиган йигит ниқоб ҳозир ҳамма жойда танқис бўлаётганлиги учун ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ортиб, нархлар ҳам кўтарилганини айтиб.

— Хўжайин бу гал 1000 сўмдан топшириб чиқишимни буюрди. Энди сиз ҳам бемалол 1500-2000 дан касса қилаверсангиз ҳам бўлаверад, — дейди. Бу фирма билан ҳамкорликни тўхтатдим. Утган hafta интернетдаги шов-шувлардан хабарим бор эди. Оғримаган бошимни оғритиб нима қиламан. Ҳар бир миждан дакки эшитиб ўтиргандан кўра, йўқ, тугади ёки сотилмаяпти деб қутулганим маъқул. Ҳали ҳам даяриб барча дорихоналарда ниқоблар 1 500 сўмдан сотилапти. Ора-орада айримлари шу гап-сўзлардан қутулиш учун ниқоб сўрасангиз "йўқ, тугади!" деб жавоб беришади. Бекатнинг орқа томонидаги дўконда ниқобнинг нархи 3000 сўм экан.

— Нега бунча қиммат сотаяпсиз? — дея сўрайман сотувчидан.

— Хоҳласангиз олинг, ака. Мажбурий эмас, шундоғам кечгача тугаб кетади.

— Монополия агентлигининг огоҳлантиришидан хабарингиз йўқми? — дейман.

— Айтдимку! Мажбурий эмас, деб. Нега бунча суриштирингиз! Меники дорихона эмас ёпиб қўядиган. Бу дўкон. Хусусий тadbиркорман. Шундай экан, ўзим хоҳлаганимча нарх қўйиб сотишга ҳақим бор.

Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида ниқоб ишлаб чиқарувчи 14 та тadbиркорлик субъекти бўлиб, кечая кундуз ишласа-да маҳсулотга бўлган эҳтиёж соат сайин ортиб, миждозларга oilavajamiat@mail.ru



етказиб беришга улгурмаётган экан. Атиги 3,4 соатга вирусдан ҳимояладиган ниқобни кўпчилик ота-оналар фарзандларига қўлдан ясаб беришаётгани ҳам бор гап. Қизик, маҳсулотга эҳтиёжимиз ошса, ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулот ҳажми ҳам 3,4 бараварга кўпайтирилаётган бўлса, таннархи ҳам 2, 3 баравар оширилиши керакми? Бир қарашда шу оддий ниқоб-ку! Арзимас нарсадек туюлади. Лекин мана шу арзимас нарсанинг ортидан "хожатбарор тadbиркорлар" мўмай даромад топиб олишяпти.

— Дори воситалари ва тиббий буюмлар нархини асосий равишда оширганлик — фармацевтика фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўлади, — дейди Монополияга қарши курашиш қўмитаси хузуридаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги матбуот хизмати раҳбари Манзура Ҳасанова. — Сўнгги пайтда хориж давлатларида, хусусан Хитой Халқ Республикасида хавфли юқумли вирус билан касалланиш ҳолати авж олганлиги сабабли республикамиз дорихоналарида тиббиёт ниқоблари тақчиллиги кузатилаётганлиги ва унинг чакана нархи кескин ошиб кетганлиги, шунингдек, бошқа йўтал, грипп ва шамоллашга қарши, иммунитетни мустаҳкамловчи ва вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситаларининг чакана нархида ҳам ўсиш кузатилаганиги тўғрисида ижтимоий тармоқларда хабарлар тарқалди. Биз бунга кескин чора қўриб, барча тақлиф ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда республикамиздаги асосий оширилган нархда сотилиши ҳам анча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Куннинг долзарб мавзусига айланган ниқоб савдоси республикамизнинг барча туман, шаҳарларида 1000 сўмдан 5000 сўмгача сотилаётгани кенг жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлганлиги боис, мутасадди ташкилотлар томонидан ижтимоий тармоқларда огоҳлантиришлар берилди.

В и р у с тарқалган куннинг эртасигаёқ ниқобларнинг асосий оширилган нархда сотилиши ҳам анча шов-шувларга сабаб бўлган эди. Куннинг долзарб мавзусига айланган ниқоб савдоси республикамизнинг барча туман, шаҳарларида 1000 сўмдан 5000 сўмгача сотилаётгани кенг жамоатчиликнинг норозилигига сабаб бўлганлиги боис, мутасадди ташкилотлар томонидан ижтимоий тармоқларда огоҳлантиришлар берилди.

ларда сотиш — уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъий назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда чекланган савдо усталмалари қўлланилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Хитойда коронавирус кўршапалакдан тайёрланган шўрвадан тарқалганлигини аниқлашнинг ўзига хос сабаблари бор. Бу халқ ер юзиде қимирлаган жонзод борки, ҳалол ҳаромга ажратмасдан истеъмол қилиши сабабли турли касалликларни келтириб чиқараётгани, ҳаром дея тақиқланган жонзотларнинг гўштини истеъмол қилиш Аллоҳнинг қаршига учраган, деган тахминлар халқимиз орасида муҳокама қилинмоқда. Ҳозир бу қарашлар қай даражада тўғри ёки нотўғрилигининг аҳамиятидан кўра, дунёнинг бошқа мамлакатлари меҳнаткаш бу халққа инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатишмоқда. Сабаби, аҳоли сони жиҳатидан ер юзининг 3 дан 1 қисмини хитойликлар ташкил этади. Тўғри, илон, чаён, қалтакесак ва бошқа зараркундаларни ҳам тап тортмай истеъмол қиладиган бу халқ аслида ишлаб чиқарган маҳсулоти билан бутун дунёни таъминляпти. Биргина ўзимизни бозорларимизни олайлик, оддий тиш қовлагичдан тортиб кийим-кечаккача, чинни-чиновор, қурилиш материаларию цитрус меваларгача қарийб 90 фоиз хитой маҳсулоти бозорларимизни эгаллаган.

Ишлаб чиқаришу маҳсулот экспорт қилишда бу давлатдан камиде 100 йил орқада эканлигимизни тан олишимиз керак. Мавзудан бироз четлашсак-да, моҳиятан бир ўхшашлики мисол келтирсам. Узоқ йиллардан бери Абу-сахий бозориде болалар кийими олди-сотидисе билан шуғулланадиган бир оғайин гап орасида шу вирус сабаб Хитойга борадиган йўллар тақа-тақ ёпилгани, натижада мол олиб келолмай захира-

даги молларини шовмасдан устига қўйиб сотаётганлигини айтиб қолди. Тез орада шу бало даф этилиб, йўллар очила қолса, яна савдоси юришиб товар айланмаси кенгайишини интиқлик билан кутаётганини таъкидлади. Яқинда рўзгорга ул-бул олгани қўйлик бозорига тушсам, бозорда ҳамма жойни банан, ананас босиб кетибди. Килоси 10-12 мингдан сотилаётган экан. Бир кило банан харид қилаётган, айни янги йил арафаси шу бананни уйимизга яқин ярмаркадан 25 минг сўмдан, ананасни 28 минг сўмдан харид қилганимни, бу сафар шунча арзонлашиб кетганлигидан ажаблансам, сотувчи амаки қулиб:

—Ўзимиз ҳам худди шунча нарҳдан сотганмиз, — дейди бананларига ишора қилиб. — Бу йил ҳар йилгидан кўпроқ бўлди. Хўжайин Хитойдан олиб келган 100 тонна маҳсулотнинг пули ярмисидан қолгангани боис, қолганини омборхона тезроқ бўшатиш учун 8-10 минг сўмдан тарқатяпти. Буларнинг пули аллақачон чиқиб кетган. Ахлатга ташлай десанг, увол бўлади. Шунинг учун нарҳна устига 2 минг қўйиб, қунига 2-3 қути банан ўтказаяпман.

Президентимиз маърузаларидан бирда икита одамни иш билан таъминлаган тadbиркорни бошимда кўтараман, деган эдилар. Кейинги пайтда юртимизда олиб борилаётган туб ислохотлар негизда дастлаб тadbиркорликка кенг эътибор қаратилиши, янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш давр талабига айланди. Бу борада дастлаб ички бозорларимизни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириб, маҳсулот сифатини янада ошириб, ташқаридан келаятган импорт ўрнини йилдан-йилга кескин қисқартириб, экспорт ҳажмини оширишга топшириқлар берилиб, мутасадди раҳбарларимиз олдида бир қатор вазифалар қўйилмоқда. Шу боис, мамлакатимизга кириб келаятган инвесторлар оқими йилдан-йилга кенгайиб борапти. Бирок бизда маҳсулот сифатини ошириб, таннархни тушириш, экспортга интилиб ўз брендини яратиш устида тинимсиз ишлаб чиқарган тadbиркорлардан кўра, қўшни давлат ёки Хитойдан арзон-гаровга мол олиб келиб, устига икки баравар қўйиб сотишни афзал биладиган "олғир чайқовчилар" ёмғирдан кейинги қўзқориндек урчиб борапти. Ўзини йирик бизнесмен ҳисоблайдиган қўштинроқ ичидеги тadbиркорларга яқинда кирсовуни ишлаб чиқарувчи корхоналар таъмирланишга берилиши муносабати билан 1-2 йилга цех ишлашдан тўхтармиш, деган миш-мишни айтиб кўрсангиз борми, бирзумда кирсовуни заводни ўзи билан "гаплашиб" омборхонасига жойлайди-да, шаҳарнинг турли нуқталарига ўзи етказиб туришни дўндирди. Шунда табиийки, кирсовунинг нархи ошса ҳам ажабланмаймиз.

Яқин кунларда соҳа олимлари бу иллатга қарши вакцина ишлаб чиқариши дунё афкор оммасининг диққат марказида турибди. Эҳтимол, бу тизим аввало, ҳукумат даражасида босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, ҳар бир давлатга текин ёки имтиёзли нархларда тарқатилар. Мабоде, бу вакцина эркин савдога чиқарилгудек бўлса, борми Яратганининг ўзи асрасину яна ўша ноинсоф "олғир чайқовчилар" бутун мамлакат қиррилиб кетса ҳам, соққа қилишдан тап тортишмайди.

Бектош ИСМОИЛОВ
«Оила ва жамият» муҳбири

“XALQ DARDINI JOYLADIM DILGA”

(Shukrullong “Kafansiz ko‘milganlar”ini o‘qib...)

Ассалому алайкум, устоз! Аҳволингиз яхшими? Сизга хат ёзганман-у, нурли сиймоингиз, куйма сатрларингиз ҳали ҳам кўз олдимда. Аввало, китобга ошуфта бир қалб сизнинг асарларингизни кечикиб ўқиётгани учун айб этмангиз. Бир куни университетда гуруҳ раҳбарим “Кифансиз кўмилганлар”ни ўқинг, дея маслаҳат бердилар.

Китобингизни зўр иштиёқ, кучли ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Мутолаа давомида ачиниш, нафрат, алам каби туйғуларга дуч келдим. Қалбим ўртанди... Ўтмишга назар солишга, уни тан олишга қаттиқ оғриндим. Тўғри, қатагон даври ҳақидаги асарларни биринчи бор ўқиётганим йўқ, у машҳур дамлар борасида маълум фикрларга эгаман. Бироқ, сизнинг асарингизни ўқиб, ҳақиқий азоб нималигини, йўқотиш, жабр-зулм қандай бўлишини, кўз олдинда ҳақиқатни мажруҳ аҳволга келтиришса, кўнглингиздан қандай ҳислар ўтиши мумкинлигини ангадим. Қилмаган гуноҳ учун жавоб бериш нима эканлигини ушбу сўзларингиз айтиб турибди:

“Одам ўлдирибми ёки ўғирлик қилибми, ишқилиб бирор гуноҳга ботиб қўлга тушган кишининг аҳволини тасаввур қилиш мумкин. Аммо ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, мутлақо беғуноҳ кўриб одамнинг уйдан қўлига кишан солсалар-да, олиб чиқиб қамаб қўйсалар, бундоқ қуруқ тухмат кимнинг хаёлига келади-ю қайси рисолада битилади”.

Ҳеч бир асоссиз қамоқнинг симли тиканларига отганлари етмагандай, қилмаган ишингизни бўйингизга гуноҳ қилиб илганларида, ёлғонни ҳақиқат деб айтишингизга мажбур қилишганларда руҳингиз, қалбингиз қандай бардош бериши? Шунча сабрни, матонатни қаердан олдингиз? “Ёлғонларни рост деб тан олиш – бу ўзингни ўзинг душман деб ҳукм чиқариш бўлмайдими?” деб қозғозга



битканингизда қаламлар синиб кетмадими, ахир? Тўқима айбномаларга қўл қўйишни рад этганингизда, дилингиз нималарни ҳис этди экан? Биргина “йўқ” сўзи фарзандни отадан, вафодор аёлни ёридан, қаламни қозғоздан айириши ҳеч гап эмасди-ку.

“Бу қандай замон бўлди, ўз ҳалол меҳнатинг билан топган пулингга кўнглингиздагидек орзу-ҳавас қилиб яшолмасанг, бу нима деган ҳаёт бўлди”. Бу сўзларингизни ўқиб, юрагим хапқириб кетди. Сизнинг, сизга ўхшаганларнинг орзу-ҳавасларини поймол қилган ўша тузумга, ўша инсонларга лаянатлар айтдим. “Мен шундай ҳаётда яшаб туриб, бундай бир орзу қилишни-да эплай оляманми?” дея ўзимга-ўзим савол бердим. Жавобини овоз чиқариб айтишга ҳам,

менинг “шунақа орзуларим бор” дея санашга ҳам уялдим, рости.

Қамоқдаги муҳит... шароит... ҳаво... одамлар... бир дам мени эсдан оғдирди. Шу пайтгача, қатагон қурбонларининг қамоқда қандай ҳўрликда, азобда, ҳақиқда яшаганларини бунчалик тасаввур қилмаган эканман. “Бу камера бошқаларга нисбатан бир мунча кенг бўлишига қарамастан, киришим билан шундай бир қўланса ҳидга тўғри келдимки, димоғларни ёриб юборгудек бўлди... Камераларнинг мохорка тутуни, қирқ даража иссиқдан чиққан одамларнинг тери, бир бурчақдаги ҳожат қилинадиган тувакнинг аралаш сассиғига ўрганган одам ҳам бунга ўқинмай чидаши қийин эди”. Чидам... бир зум сизнинг ўрнингизга ўзимни қўйиб кўрдим. Бу аҳволга бардош қилиш, ҳаётдан умид узмай яшаш учун инсонда қанча чидам бўлиши керак?! Сизнинг офтобда тобланиб, қуёш тигида ўткирланган сабрингиз зуваласи қайдан узилган?

Танграм, ўзинг, ўзинг ёрлақа,

Ўзингдан ҳеч ўзга мадад йўқ, На дўстим бор, на дард тинловчим, Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳад йўқ!

Сатрларингизни бир он қозғозга тушироққа чўчиб, ҳар дам тақорлаб юргангизни, қалб амрингизни ёлғиз Аллоҳга айтишга журъат этганингизни билгач, ҳар гал исмингизни эшитишим биланоқ, шеърингиз қўлоғим остида садо беради: “Танграм, ўзинг, ўзинг ярлақа...”

Усмон Носирнинг “Юрак” шеърини кўнглингиздан ўтказиб, “ўзингизни туптолмай беихтиёр кўзларингизга ёш келиб, хўнграб йиғлаганингизда!” жамки қатагон қилинган адабиёт даргаларининг

қадрига ачинганингиз тайин. Бугун мен ҳам сизнинг асарингизни ўқиб, адабиётга, шеърятга раҳмим келди. Ахир, улар қанча истеъдод меваларидан баҳраманд бўлди, қанчадан-қанча қалам-у қозғозлар Сибирга кетган эгасини кутиб, тоқчада саргайди...

“Халқ дardini жойладим дилга”... Наҳот, ўз дардингиз етмагандай, халқ ғамини дилингизга жойлаб, дардини аритмоқ учун парча қозғоз излаб, қамоқхонада қаламга муштоқ бўлгансиз.

Кўп гапирмоққа йўймасангиз, яна сизга бир гапим бор. Болалигингизда онангизнинг “Киши ўзига бироқ машаққатни олмас, бошқанинг кўнглини ололмайд”и гапларини эслаб, ўз нафсингиздан қийиб, оч болали хотинларга бир бурда бўлса ҳам нон ташлаб ўтган экансиз. Онангизнинг бир оғиз сўзини унутмай, ўз оилангиз очарчилик бўсағасида турса ҳам, ўлимни бўйинга олган бечораларга ёрдам қўлини чўзиш ҳақиқий фидоийлик эмасми? Бугун биз тўқинлик замонида дариғ тутаётганимиз ёлғонми, ахир? Йўқ... аччиқ ҳақиқат.

Устоз, хайриятки, бардошингиз, матонатингиз сизни истиқбол кунларига олиб келди. Ўзингизга армон бўлган орзулар рўёбини фарзандларингиз, набираларингиз ҳаётида кўрдингиз. Ижодга ошуфта яна қалам тебратдингиз. Бунинг учун сизнинг сабрингизга ташаккур айтаман. Сиз бошдан излар, сиз чеккан азобларингиз ақали бир томчисидан китобхон оғоҳ бўлса, ҳар дилда шукроналик ниҳоли куртак отади. “Кифансиз кўмилган” аждоқларимиз ҳақиқида, бугун биз мусофирга ҳаводан нафас олаётганимизни ҳис этади. Тушқунликка тушмай, йилқилган жойингиздан яна бош кўтариб, яна ҳаётга мағрур боқганингиз, бизга бебаҳо асарлар инъом этганингиз учун ташаккур!

Маҳфуза ПУЛАТОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси.

Fikr



Бу воқеа ўтган йили содир бўлган. Мактабимизда яхши анъана йўлга қўйилган. Наврўз куни қизлар ироқи, йигитлар марғилон дўппида мактабга келишади. Бу кунга биз ўзимизча миллийлик куни деб ном қўйиб олганмиз. Мен ҳам бир янгилик қилай дедимми ёки эътиборни ўзимга қаратишни хоҳладимми, ҳарқалай бир ҳафта олдин дўппида мактаб томон йўл олдим. Йўлда қишлоқ томондан келаётган синфдошларимга дуч келдим. Улар ҳам мактабга отланишган эди. Саломлашганимиздан кейин улар хавотир билан қараб қўйишди.

Do‘ppi ta’ziya belgisimi?

Нимадир сўрашмоқчи бўлишди-ю ботинамади. Мактабда биринчи соат ҳам бошланди. Иккинчи соат, учинчи соат, бешинчи соат, кунги дарс соатлари ўз ниҳоясига етди. Бир пайт синфдошларимдан бири, “Ёрқинжон, эрталабдан бери сўраймиз, деймиз сўрай олмаймиз. Ҳеч нарсани эшитмадим ҳам. Ойланганга яқин одамлардан бири қазо қилдимми? Дўппи кийиб олибсан, таъзия бўлдимми?”, деб савол берса бўладими... Қаҳқаҳ отиб кулиб юбордим. “Йўғ-эй, Наврўз яқин-ку. Бир ҳафта олдинроқ бошладим тайёргарликни”, дея жавоб бердим.

Мендан хавотир олиб сураган синфдошимнинг саволига кулиб жавоб бердим-у лекин ичимдан бир нарсани зил кетди. Бугун ана шу зил кетган нарса ҳақида сўз юритишни мақсад қилдим. Нега, дўппи кийган йигитларни кўрсак дарров, таъзия бўлибди-да, деб уйлашга тушиб қоляемиз? Нега, фақат миллий байрам арафасида атлас-у адрасга бурканиб олиб, байрам ўтганидан сўнг жинсишим кийиб олган қизларга кўзимиз ту-

шяпти? Нега дўппи, белбоғ, тўн-чопон, махсиларга эскирган сўзларга айланиб қолаётгангай муомала қилаямиз? Наҳотки, дўппининг ўрнини шляпа, белбоғнинг ўрнини инглизча ҳар хил сўзлар ёзилган, ранг-баранг камарлар, чопоннинг ўрнини-ку бўлмағур кийимлар, ковуш, махсининг ўрнини бир қарич кабюкли туфлилар эгаллаб улгурган бўлса. Кечирасизу чиндан ҳам шаҳарда дўппи кийган одамни кўрсак, қишлоқдан келган экан-да деган фикр уйғонади. Агар ёш

йигитларнинг дўппи кийганини кўргудек бўлсақ, худди мен билан содир бўлганидек, таъзия бўлибди-да, деб ачиниб қўямиз. Охириги йилларда белбоғ деган сўз йигитларнинг луғатидан чиқиб кетишга ҳам улгурди, менимча. Қизиқ, маданият, маънавият дея жар солинаётган бир пайтда миллийлигимиз йўқолиб бораётгани камдан-кам инсонларни уйлантиряпти.

Ёрқинжон ҲАЙИТБОЕВ,
Сирдарё вилояти.

ЭЪЛОН

«Gross Insurance» МЧЖ Уchte-па филиали маълум қиладики, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» бўйича GI 0069725, GI 0069747, GI 0069753, GI 0081025, GI 0081035, GI 0081267, GI 0081268, GI 0081274, GI 0081275, GI 0081276, GI 0084351, GI 0084390, GI 0084399, GI 0084400, GI 0091525, GI 0091526, GI 0091543, GI 0091544, GI 0091545, GI 0091546, GI 0091547, GI 0091548, GI 0091549, GI 0091550, GI 0091557, GI 0091558, GI 0091600, GI 0091602, GI 0091615, GI 0091620, GI 0091627, GI 0091629, GI 0091633, GI 0092507, GI 0092513, GI 0092538, GI 0092540, GI 0092542, GI 0092557, GI 0092558, GI 0092561, GI 0092562, GI 0092563, GI 0092571, GI 0092573, GI 0092574, GI 0092576, GI 0092577, GI 0092578, GI 0092579, GI 0092580, GI 0092583, GI 0092585, GI 0092591, GI 0092592, GI 0092593, GI 0092594, GI 0092774, GI 0092786, GI 0095219, GI 0095228 сонли суғурта полислари йуқолган.

Рустамов Нодиржон Тоҳир ўғлига Тошкент вилояти Зангиота тумани ИИБ томонидан 2018 йил 01 январда берилган АВ8548027 рақамли парспорт йўқолганлиги маълум қилинади.

BEMORNING MUHOJATI ORTIDA

shifokorga bo'lgan ishonch turadi

Ўтмишда силга чалинган беморлар молиявий ахволи ёки ёшига қарамай кўп ҳолларда ҳаётдан кўз юмган. Бугунги кунда силни бемалол даволаш мумкин. Агар касаллик ўз вақтида доридармонлар билан тўхтатилса, бемор тўзалиб кетади.

Биз шу ҳақда
Китоб туманидаги Қашқадарё вилоят Фтизиатрия шифохонаси бош шифокори, физиохирург ва физиоортопед Нутфулла Сайпуллаев билан сўхбатлашдик.



– Асал шифокор қандай хислатларга эга бўлиши лозим?

– Шифокорлик касби азал-азалдан юқори савияни ва малакали бўлишни талаб этиб келган. Чунки бу касб инсон ҳаёти ва саломатлиги билан боғлиқ ва унга асло бармоқ орасидан юзак қараш мумкин эмас! Ҳар қандай бемор нажот истаб шифокорга муҳожаат қилар экан, унинг диққат марказида шифокорга бўлган ишонч туради.

Айниқса, фтизиатрия соҳасида бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки силга чалинган беморларда руҳий тушқунлик юқори даражада кечгани боис, бу унинг яшашга бўлган ишончини ҳам сўндириб қўяди. Шу боис фтизиатр-шифокор силга чалинган беморлар билан мулоқот қилганида қатъийлиги, муомаласи, билими ва кўникмаси билан унинг ишончига қира олиши муҳим. Ана шундагина у беморларнинг узоқ давом этадиган даволаниш курсларини олиш, маслаҳат ва кўрсатмаларига риоя қилишларига эришиди.

–Айни пайтда, шифохона неча

ўринли ва қандай бўлимлардан иборат?

– Шифохона давлатимиз томонидан 2015 йилда реконструкциядан чиқарилиб, тиббий, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда, 300 ўринга мўлжалланган шифохонада вилоят бўйича силга чалинган беморларни тўлиқ даволаш учун барча имкониятлар мавжуд.

Шифохонанинг 1- ва 2-терапия бўлимларида дорига сезгир ва чидамли бўлган беморлар даволанса, диагностика бўлимида силга шубҳа қилинганларнинг таҳлилий ва бактериологик текширишлари олиб борилади. Болалар бўлимида 17 ёшга чад бўлган болалар даволанади. Кўкрак қафаси жарроҳлик бўлимида силдан қолган чандиқли, қолдиқли ўзгаришлар, чегараланган ва қотган сил турлари жарроҳлик йўли билан олиб ташланади.

Суяк бўғим жарроҳлик бўлимида консерватив даво билан бирга, бўғим ва умуртқа силига жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Ўпқадан ташқари, жарроҳлик бўлимида буйрак, бачадон, лимфа безлари, ичак ва бошқа органлар сили билан оғирган беморлар оператив ва консерватив усул билан, жонлантириш ва анестезиология бўлимларида оғир аҳволдаги, операция олди ва кейинги даврда кузатиш учун ётқизилган беморлар даволанади.

– Ўтган йилда шифохонада силга доир қанча жарроҳлик амалиётлари бажарилди?



Аҳамиятлиси, силга чалинган беморларда сўнгги йилларда ўпқадан ташқари, буйрак, бачадон, ичаклар ва бошқа органлар жарроҳлик амалиётларини бажариши ҳам кенг йўлга қўйилган.

– 2019 йил мобайнида 178 катта ҳажмдаги жарроҳлик амалиётлари бажарилган бўлиб, улар (ўпка резекцияси, ўлкани мураккаб кесими (комбинирован) ризекция леккий), умуртқа жарроҳлик амалиётлари (аутосуюк қуйиш, титантерамик қуйиш, орқа мия дикомпрессияси ва катта бўғимлар реконструктив операциялари, ичак сили бўйича ичак резекциялари, ичак перфорациясини тикитиш, нефрэктомия операциялари, лимфа безларини олиш) ташкил этади.

– Бугунги кунда шифохонада силни консерватив даволашдан ташқари, яна қандай жарроҳлик амалиётлари амалга оширилмоқда?

– 1963 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган шифохонада 1965 йилдан кўкрак қафаси, 1980 йилдан суяк-бўғим, 1982 йилдан буён ўпқадан ташқари ҳам бир қанча жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб келинмоқда. Эътиборлиси, фтизиатрия соҳасида Республика марказида амалга оширилган мураккаб жарроҳлик амалиётларининг 90 фоизи шифохонамиздаги тажрибали жарроҳ, реаниматолог ва анестезиологлар иштирокида ўпка жарроҳлиги амалиётлари – ўпка резекциясининг барча турлари, пластик, реконструктив ва радикал операцияларнинг барчаси амалга оширилмоқда. Фақат суяк-бўғим жарроҳлик амалиётларидан бўғим протезлаш операцияси қилинмайди. Аҳамиятлиси, силга чалинган беморларда сўнгги йилларда ўпқадан ташқари, буйрак, бачадон, ичаклар ва бошқа органлар жарроҳлик амалиётларини бажариш ҳам кенг йўлга қўйилган.

– Силнинг олдини олишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Силнинг олдини олишда мавсумий юқори нафас йўллари касалликлари, сил билан оғирган беморларнинг сил учоғида олиб бориладиган профилактик ишлар, силга чалинишига мойил бўлганларда (нафас йўллари сурункали касалликлари, қандили диабет) профилактик кўриқларни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Муҳими, силнинг давоси бор ва у ирсий касаллик эмас! Аксарият беморлар кўпинча тушқунликка тушиб, ҳатто оилани бузилиб кетишига сабаб бўлади. Агар ўз вақтида ташхис қўйилиб, даво чоралари қўрилиб, врач назоратида касалликнинг фаол даври шифохонада, нофаол даври диспансер шароитида даволанса, тузалиб кетиши мумкин.

Марям АҲМЕДОВА
сўхбатлашди

SHIFONI DORIDAN EMAS, ASALDAN IZLANG

Асалари маҳсулоти ҳисобланмиш асал - табиий, витамин ва минераллар, ферментларга бой. Бир сўз билан айтганда, одам саломатлиги учун фойдали моддаларнинг 70 дан ортиқ тури бор. Шунингдек, асалда минерал моддалар: кальций, натрий, калий; органик кислоталардан олма, лимон кислоталари; B2, B6, PP, C, Э, К витаминлари ҳам борлиги аниқланган. Шу боис бўлса керак, асал шунчаки ширинлик бўлмай, кўпгина касалликлардан ҳимоялайди ва шамоллаганда ахволни тез энгиллаштиради. Кузатишларга кўра, муттасил озоддан асал истеъмол қилиб туриш юрак фаолиятини яхшилади, одамнинг умумий ахволига ижобий таъсир кўрсатади, қон таркибини меъёрда ушлаб туради, гемоглобинни оширади, юрак-қон томир тонусини кўтарди. Мунтазам асал истеъмол қилиб турилса, организмнинг иммунобиологик фаоллиги ортиради.

АСАЛ ҚАНДАЙ ДАВОЛАЙДИ?

✍ Агар сизни йўтал, бронхит ёки трахеит қийнаса кўксингизга асал суртиб, устини пергамент қоғоз ёки полиэтилен халта билан ёпинг. Сўнг иссиқ ўраниб ётинг.

✍ Оёқларда варикоз ва тромбозлар хабарчилари саналмиш томирли юлдузчалар пайдо бўлганда асалли боғлама ёрдам беради. Кечаси пахтани асалга ботириб, майда қон томирлар кўпроқ кўриниб қолган жойларга суртинг. Устига плёнка ёпиб, лейкопластёр ёпиштиринг. Туни билан қолдириг. Муолажа муддати – 10 кун.

✍ Асалли сув билан оғиз бўшлиғи чайқалса, томоқда мавжуд йирингли яраларнинг сўрилиб кетишига кўмаклашади. Танглай, тил, ҳиқилдоқ, бодомча безлари, оғиздаги иллатларни тозалайди. Шамоллаш билан боғлиқ касалликларда асални сут билан ичиш тавсия этилади. Бунинг учун 1 қошиқ асал 1 стакан иссиқ сутга аралаштириб қабул қилинади. Бу борада 1 дона лимон шарбати 1 стакан асалга қўшилса ҳам яхши натижа беради. Асалли муолажа вақтида шамоллаган бемор 2-3 кун иссиқ ўринда ётиши зарур.

✍ Шамоллаш профилактикаси учун лимон ва



асалли қоришма тайёрланг. Битта лимонни пўсти билан гўштқиймалогичдан чиқариб, таъба кўра асал қўшинг. Кунига 2-3 маҳал 1 ош қошиқдан истеъмол қилинг.

✍ Гриппнинг олдини олиш ҳамда даволашда асал-саримсоқли муолажа ижобий натижа беради. Доривор қуйидагича тайёрланади: пўстидан тозаланган саримсоқ қирғичдан чиқарилади ва тенг миқдордаги асал билан яхшилаб қориштирилади. Ухлашга ётишдан олдин 1 чой қошиқдан қайнаган сув билан қабул қилинади. Ушбу тадбир 3-5 кун олиб борилиши даркор.

✍ Асалли чой балғам кўчирувчи, шамоллашга барҳам берувчи восита сифатида ҳам тавсия этилади. Яна ҳолсизликда, сил ҳасталигида қувват бағишловчи доривор ҳамдир. Бунинг учун асални сархил саби шарбати ёки сут билан кунига 60-100 граммдан истеъмол қилиш лозим.

ШИРИН БЎЛСА ҲАМ ТИШЛАРНИ ЕМИРМАЙДИ

Гарчи асал ширин бўлса-да, милк ва тишларнинг соғлом бўлишида жуда фойдалидир. Милкнинг ўта таъсирчанлигида ва кўп қонашида кунига 1 маҳал асалли аппликация қилинг. Бунинг учун милкка асални суртиб, сўлак билан ювилиб кетмагунча ушлаб туринг. Сўнг оғизни сув билан яхшилаб чайинг.

Прополис тиндирмасига наманланган пахтани тишга қўйсангиз, оғриқни энгиллаштиради. Тиш ковагига тоза прополис бўлагини солиб қўйсангиз ҳам бўлади.

МУОЛАЖА КИМГА ТАҚИҚЛанаДИ?

Асалга аллергия камдан-кам одамларда учрайди. Асалга аллергия бор-йўқлигини аниқлаш қийин эмас. Бунинг учун озроқ асални оғизга солиб, маълум вақт сақланг. Шу билан бирга, биланинг ички томонига асални юпка қилиб суртинг. Агар томоқ қичимаса ёки тери безовталанмаса, бемалол асални истеъмол қилишингиз, даво мақсадида фойдаланишингиз мумкин.

Шифокор-терапевт Шаҳноза ЯХЎЕВА
тавсиялари асосида
Камола тайёрлади.

KUNIMIZ OSUDA, TUNIMIZ SOKIN

bu damlarning qadriga yetaylik



Бизга қўшни мамлакат Афғонистон UNICEF ҳисоботида тугилиш учун энг ёмон мамлакат деб таърифланди. Уруш туфайли мамлакатдаги болалар аҳволи жудаям ночор. 2009 – 2019 йиллар оралиғида 6463 нафар бола ўлдирилган, 14 957 нафар бола эса жароҳатланган. Шу йиллар давомида 162 та мактаб яроқсиз ҳолатга келган, мактаб ёшидаги болаларнинг тенг ярми таълим олишдан маҳрум. 2 миллион афғон боласи тўйиб овқатланмайди, улардан 600 000 га яқини очликнинг энг хавфли босқичида.

Афғонистонда уруш бошланган йиллари 5 яшар қизча эдим. Бу 1979 йилларга тўғри келади. Уша пайтларда Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибида бўлгани боис, ҳарбий хизматга борадиган йигитларнинг кўпчилиги Термиз орқали Афғонистонга юбориларди. Кунора қишлоқда ваҳимали гаплар, «фалончининг ўғлини тобутини самолётда олиб келишибди, онаси ҳушидан кетиб қолибди», «Фалончи аканинг ўғлидан қора хат келибди, ўзи ном-нишонсиз эмиш...» Афғонистондан қайтган йигитларнинг ҳам бир оёғи йўқ, бир қўли кесиб ташланган бўлар... Оёқ-қўли бут қайтганлари эса тез-тез руҳий шифохонада даволанишга тўғри келарди.

1989 йилнинг февраль ойида собиқ иттифоқ қуроли кучлари ҳарбий қисми Афғонистон халқ демократик Республикасини тарк этди. Аммо энди бу юртда фуқаролар ўртасида ўзаро жанглар бошланди. Хайриятки йигитларимизга у юртларнинг юзи тескари бўлди. Аммо... бугун мени бир нарса қийнайди. Орадан 41 йил ўтибдики, ҳамон бу мамлакатда уруш олови ўчгани йўқ...

Уша йиллари ҳарбий хизматга чақирилган Турдиали амакимини Термиз орқали Афғонистонга олиб ке-

тадиган бўлишди. Бувим раҳматли ҳар куни Худонинг зорини қилиб шу урушни бошлаганларни қарғар, юртнинг болаларини паноҳингда асрагин, деб дуо қиларди. Омади бор экан, амаким Афғонистонга кетмади. Бувим раҳматли бир норгул ўғлидан ажралиб қолмаслик учун қанча туналарни нола қилиб ўтказган эди. Қишлоқдаги бирор оиланинг фарзандидан ажралиб қолиши ҳамма учун мотамга айланарди. Аммо бугун шу уруш туфайли Афғонистонда яшаётган олти миллионга яқин болалар оч-наҳор кун кечиринишмоқда. Нега? Нима учун? Бу болаларнинг айби нима? Ҳар кеч уйкуга ётишдан олдин 5 яшар ўғлимга эртак айтиб бераман. У дум-думалоқ кўзчаларини менга тикиб турли мавзуларда савол беради. Сочларидан оҳиста силаб, юзларидан ўпич оларканман саволларига жавоб бераман. Шундай кезларда томоғимга нимадир тиқилиб қолади. Дунёнинг нотинч худудларида яшаётган, кўча-кўйда, дуч келган жойларда ётиб тонг оттираётган оч-наҳор болалар кўз олдимдан ўтаверади. Хаёлан уларни бағримга босгим, бошпана бергим келади. Ахир бу болаларни ҳам ота-онаси бағрида, оиласида, ўз уйида яшашга ҳаққи бор эди-ку. Ким уларни бундай бахтиёрликдан бенасиб қилляпти? Нафсига қўл бандалар шу аҳволга соляпти бу болаларни. Одам қиёфасидаги ҳайвонлар шундай яшашга маҳкум қилляпти. Уруш қандай бўлишидан қатъий назар қурбонсиз бўлмайди. Аммо бундан энг кўп жабр кўраётган болалар бўлмоқда.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, биз жаннатмакон юртда яшаймиз. Тонгларимиз тинч, осойишта, тунларимиз сокин. Дастурхонларимиз тўкин, далаларимиз донга тўлган. Аммо бу шукроналикнинг қадрига етпеймизми? Яқинда умумтаълим мактабла-

ридан бир-иккитасида кузатув олиб бордим. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги кунда мактабларда ўқитувчиларга муносабат ҳавас қилгудек эмас. Бунинг сабаби билан қизиқсангиз турли баҳоналарга дуч келасиз. Ўқитувчилар: «Ҳамма гап ота-оналарда, болаларини қаровисиз қолдиришяпти», деб айблашади. Ўқувчилар эса: «Устозлар дарсга қизиқтиролмайди, фақат форма ва давомат талаб қилади», дейишади. Бир пайтлар ўқитувчининг исмини айтиб чақириниш хурматсизлик саналарди. Ҳозир эса ўқувчилар исмини айтиш уёқда турсин лақаб қўйиш, масҳара билан гапиришни ўзларига уят санашмайди.

Юртимиздаги таълим муассасаларида ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида зиддият кетаётган бир вақтда 2015 йилдан буён уруш ҳаракатлари кетаётган Яманда 3326 нафар бола жангларда қатнашган. Таълим муассасаларида 362 марта ҳужум уюштирилган ҳамда ҳарбий мақсадда фойдаланилган...

Ишдан қайтар чоғим туман марказида тушиб қолиб, рўзгорга ул-бул харид қилиш учун дўконга кираман. Гузарлардаги энг гавжум жой спиртли ичимликлар сотиладиган дўкон. Мисол тариқасида ўзим яшайдиган худуд яъни Бектемир туманидаги «Сувсоз» даҳасининг одам зич яшайдиган кўп қаватли уйлар атрофида 500-600 метрлик майдон оралиғида нақ бешта спиртли ичимликлар сотиладиган дўкон бор. У ерда навбат кутиб ўтирган оталарни кўриб ер чизаман. Тўғри кеч тушди дегунча уйига, фарзандлари ёнига топганини кўтариб ошиқадиган оталар ҳам жуда кўп. Аммо... аммо отасининг йўлига кўз тикиб ўтирган фарзандларининг дийдорини шу ажалнинг уруғига алмашаётганлар ҳам йўқ эмас. Иж-

тимоий тармоқларни кузатаётганлар айнан ўз фарзандига пичоқ кўтараётган оталар, ўз аёлини ўлдирган эр ҳам мана шу шайтоннинг сувига қўл бўлгани сабаб жиноят қилганига гувоҳ бўлишяпти. Дунёнинг қаерларидадир оталар бугун фарзандим учун бир бурда нон топиламан, деган ўй билан юрагини ҳовучлаб яшаётган бир вақтда бизнинг баъзи оталаримиз, акаларимиз, амакиларимиз спиртли ичимликлар дўконидан навбатда туришибди...

Эътибор беринг, Суриядаги ҳар 5 нафар боланинг 1 таси экстремал яъни қуллик, зўравонлик шароитида яшамоқда. Ҳар дақиқалик ҳаётлари ўлим хавфи остида.

Атрофимизда иқтисодий жиҳатдан жуда яхши таъминланган оилалар кўп. Айрим ота-оналар фарзандларини боғча, мактабга бориб келишлари учун алоҳида ҳайдовчи ёллаган. Яқинда бир маҳалладошимнинг 14 яшар ўғли 10 ёшли укаси билан мактабга машинанинг олди ўриндиғида кетишни талашиб тортишаётганига гувоҳ бўлдим. Ҳайдовчи қанча уринмасин ака-укаларни муросага келтира олмайди. Натига шу бўлдики ака укасининг юзига жаҳл билан бир мушт туширганди, уканинг бурни қонади. Бу каби воқеаларга фақатгина тўқликка шўхлик дея изоҳ бериш мумкин ҳолос...

Аммо, тахликали худудларда, уруш ўчоқларида болалигини бой бераётган, бегубор бу дамлардан мосуво мурғак қалблар ҳаққи хурмати бугун фарзандларимизга оилада, боғчада, мактабда, олий ўқув юртида, маҳаллада ҳамма-ҳамма жойда ўрناق бўлайлик. Уларга эртак айтмайлик, ўзимиз эртак қаҳрамонига айланайлик. Яхши инсон бўл дейишдан олдин ўзимиз яхши амалларимиз билан ибрат бўлайлик.

Нигора РАҲМОНОВА.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 2418. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5